Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри,
МЧЖ шаклидаги «TEZKOR-MALAKA-NATIJA»
аудиторлик ташкилоти

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг
2025 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни
бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви
юзасидан

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

Тошкент шахри 2026 йил

Мундарижа

КИРИШ ҚИСМИ 3
Вазифа ва усуллар 4
Жамиятнинг хуқуқий асослари, устав фонди, ... 5
тузилиши ва иш фаолияти. 5
Жамият устав фонди 5
Асосий фаолият тури ва жамиятнинг Уставида кайд 5
этилган фаолиятлар. 5
Молиявий хисоботлар. 6
Асосий воситалар ва уларга 6
Узоқ муддатли инвестицияларни 7
хисобга олувчи счётлар (0600) 7
Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) аудити. 8
Жамиятда моддий бойликлар харакати 9
Ишонч қоғозлари билан ишлаш аудити 9
Банк орқали накд пулсиз хисоб китоблар аудити 10
Дебитор ва кредитор қарзлар тахлили аудити 10
Жамиятда ходимлар мехнатига хақ тўлаш 12
«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) аудити. 13
Асосий фаолият даромадлари аудити. 14
Молиявий фаолиятнинг даромадлари аудити. 14
Давр харажатлари аудити. 15
Солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар тўловларини ҳисоблаш таҳлили. 16
Қўшилган қиймат солиғи аудити. 16
Фойда солиғи ҳисоблаш аудити. 16
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий 17
ЯКУНИЙ ҚИСМ 18
Аудиторлик текшируви якуни бўйича тавсиялар: 18
Аудиторлик текшируви якуни бўйича хулоса. 18

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказилганлиги юзасидан АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

6 апрел 2026 йил

Тошкент шахри

КИРИШ ҚИСМИ

ТЕКШИРИЛАЁТГАН ТАШКИЛОТ ТЎҒРИСИДА:

Корхона номи:	«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ
Юридик манзили:	Ўзбекистан Республикаси, Тошкент шахри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107уй. Электрон почта манзили: info@ndvakt.uz
Банк реквизитлари:	Хисоб рақам 20208000900500422001, ТОШКЕНТ Ш., "ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ МИРОБОД ФИЛИАЛИ МФО: 01101. СТИР 201199743.
Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохнома:	1994 йил 19 августда №299 рақам билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган, 2012 йил 31 январда Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга ўтказиш инспекцияси томонидан 03-000640-сонли гувохнона берилган.
Статистик хос рақамлари:	КТУТ - 14941663, ИФУТ – 66120 ТХШ -153, МХОБТ-1726269, СТИР 201199743.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТЎҒРИСИДА:

Аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи:	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» аудиторлик ташкилоти
Юридик ва почта манзили:	Ўзбекистан Республикаси, Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Мухандислар МФЙ, Муқимий кўчаси 7/3 уй. Тел: +998974405782, +998977485111.
Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Яккасарой туман давлат хизматлари тамонидан 23.08.2023 йилда берилган 2249116-сонли гувохнома
Банк реквизитлари:	Хисоб рақами: 20208000705687349001, ТОШКЕНТ ш. «ИПАК ЙЎЛИ» АИТ БАНКИНИНГ ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ, МФО-01067, СТИР:310729984, ИФУТ(ОКЭД): 69202..
Аудиторлик ташкилоти директори:	Обидов Хокимхон Бузрукович, Аудиторлик малака сертификати № 03859, 2019 йил 16 июн куни берилган. (Муддатсиз).
Аудиторлик текшируви рахбари:	Обидов Хокимхон Бузрукович, Аудиторлик малака сертификати № 03859, 2019 йил 16 июн куни берилган. (Муддатсиз).

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» аудиторлик ташкилоти билан «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ ўртасида 2026 йил 31 март куни тузилган №01/23-26Т-сонли шартномага асосан МЧЖ «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» аудиторлик ташкилоти аудитори Х.Б.Обидов томонидан «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2025 йил молия хўжалик фаолияти якуни юзасидан 01.01.2025 йилдан 31.12.2025 йилгача бўлган даври учун тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот" – форма № 2, шаклларидан иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Молиявий хисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ рахбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз ўтказилган аудит текшируви асосида ушбу молиявий хужжатлар юзасидан тўғри хулоса чикариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолияти халқаро андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Молиявий хисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖрахбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз ўтказилган аудит текшируви асосида ушбу молиявий хужжатлар юзасидан тўғри хулоса чикариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолияти халқаро андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Аудиторлик текшируви «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ рахбари Нурметов Санжарбек Бахтиярович хабардорлигида, бош хисобчи Буркутбаев Шухрат Мамасолиевичнинг шахсан иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви ўтказилган даврда биринчи имзо қўйиш хуқуқи билан «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ бош директори лавозимида Нурметов Санжарбек Бахтиярович ишлаб келганлиги маълум бўлди.

Жамиятда иккинчи имзо хуқуқи билан бош хисобчи вазифасида Буркутбаев Шухрат Мамасолиевич ишлаб келган.

Вазифа ва усуллар

Мазкур аудитни ўтказишдан мақсади – «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда 2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар тузилган молиявий хисоботларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги, бухгалтерия хисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал қилинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, Халқаро Аудит андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошка меъёрий хужжатлар қоидаларига ва аудит ўтказиш дастурига мувофиқ ўтказилди.

Аудит жараёнида хужжатли текшириш усули қўлланилиб, хисоботлар қуйидаги хажмларда кўриб чиқилди:

- молиявий хисоботлар – шаклий ва арифметик жихатдан, горизонтал ва вертикал тарзда;
- хисоб юритишнинг қабул қилинган журнал-ордер тизими бўйича бирламчи хужжатларни аудит текшируви учун зарур бўлган хажмда танланма тартибда;
- бошка ишлаб чиқариш омилларининг ички хисоб тизимига таъсирини бахолаш – танланма тартибда.

Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Аудит андозалари;
- Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия хисоби миллий андозалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича амалдаги меъёрий хужжатлар;

- жамият ходимлари тайёрлаган маълумотномалар;
- Бошқа ахборотлар.

II.Тахлилий қисм
Жамиятнинг хуқуқий асослари, устав фонди, тузилиши ва иш фаолияти.

"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" акциядорлик жамияти дастлаб 1994 йил 19 августда №299 рақам билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган.

"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" акциядорлик жамияти 2012 йил 31 январда Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга ўтказиш инспекцияси томонидан 03-000640-сонли рақам билан рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги "Тошкент" Республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 285-сонли қарори асосида ташкил этилган. Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга ўтказиш инспекцияси томонидан 2002 йил 27 декабрда 03-000640-сонли рақам билан рўйхатга олинган "VAQT Milliy depozitariy" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"MUKL-SARMOYA BROKERLIK UYI" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда "Жамият" деб аталади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён - Қонун), бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга мувофиқ олиб боради.

Жамият устав фонди

"MUKL-SARMOYA BROKERLIK UYI" акциядорлик жамияти таъсисчиларининг 2022 йил 29 июндаги умумий йиғилиш баёни билан тасдиқланган Уствининг 4-бўлимига кўра, Жамият Устав фондининг миқдори 936 254 464 (тўққиз юз ўттиз олти миллион икки юз эллик тўрт минг тўрт юз олтмиш тўрт) сўм бўлиб, номинал қиймати 512 (беш юз ўн икки) сўм бўлган 1 828 622 (бир миллион саккиз юз йигирма саккиз минг олти юз йигирма икки) дона оддий эгаси ёзилган нақдсиз акцияларга бўлинган.

Жамият Устав фондининг миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият ваколатли органининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда номинал қиймати 512 (беш юз ўн икки) сўм бўлган 10000000 (ўн миллион дона) оддий, эгаси ёзилган, нақдсиз, эълон қилинган акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

Жамият манзилгоҳи (почта манзили): 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107-уй.

Асосий фаолият тури ва жамиятнинг Уставида кайд этилган фаолиятлар.

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг асосий мақсади фойда олишдан иборат.

Қуйидагилар Жамият асосий фаолиятининг турлари ҳисобланади:

- ✓ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси хизматини кўрсатиш:
- ✓ қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни амалга ошириш;
- ✓ мижознинг номидан ва ҳисобидан брокерлик хизматларини кўрсатиш;

✓ ўз номидан, лекин мижознинг хисобидан брокерлик хизматларини кўрсатиш;
✓ депозитар операцияларни амалга ошириш;
✓ қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;
✓ қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқлаш;
✓ қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилганлиги, шунингдек, уларнинг тугатилганлиги фактлари ҳисобини юритиш;
✓ эмитентларнинг қимматли қоғозлари бўйича Депо ҳисобларини юритиш ва улар бўйича депозитар операцияларни амалга ошириш;
✓ юридик ва жисмоний шахсларнинг Депо ҳисобини юритиш ва улар бўйича депозитар операцияларни амалга ошириш;
✓ қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда мижозларнинг пул маблағларини ҳисобга олиш;
✓ дилерлик фаолиятини олиб бориш, ўз номидан ва ўз маблағлари хисобидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш;
✓ андеррайтинг фаолиятини олиб бориш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш мажбуриятини олиб ёки олмаган холда эмитент номидан эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;
✓ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция маслаҳатчиси хизматларини кўрсатиш:
✓ қимматли қоғозлар бозорида қонунчиликда белгиланган бошқа профессионал фаолият турлари билан шуғулланиш;
✓ ташкиллаштирилмаган қимматли қоғозлар бозорида биржадан ташқари қимматли қоғозлар бўйича келишувларни рўйхатга олиш;
✓ ишончли бошқарув хизматларини кўрсатиш;
✓ қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

Жамият қонун хужжатларида таъқиқланмаган ва таъсис хужжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

Амалга оширилиши учун махсус рухсат (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия берилгандан сўнг амалга оширилади.

Молиявий хисоботлар.

Аудит текшируви учун жамиятнинг 2025 йил учун тузилган ва Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган қуйидаги шаклардаги молиявий ҳисоботлари ва солиқларни хисоблаш хисоб-китоблари тақдим этилди:

- Бухгалтерия баланси (шакл № 1);
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (шакл № 2);
-Қўшилган қиймат солиғи хисоб-китоби, Юридик шахслар фойда солиғи хисоб-китоби,Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлови хисоб-китоби.

Юқоридаги молиявий ҳисобот шакллари, солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар кўринишидаги молиявий ҳисоботга иловалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва жамиятнинг алоҳида бирламчи ҳужжатлари аудиторлик текширувдан ўтказилди.

Асосий воситалар ва уларга хисобланган эскириши аудит тахлили.

Жамиятда «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастури маълумотлари бўйича 2025 йил 1 январь холатига 549845,9 минг сўмлик асосий воситалар мавжуд. Уларнинг

эскириши 283256,3 минг сўм бўлиб, қолдик қиймати 266589,6 минг сўмни ташкил этади. 2025 йил давомида баланс қиймати 274760,0 минг сўмлик (автомашина ва ноутбук) асосий воситалар киримга олинган бўлиб хеч қандай асосий воситалар хисобдан чиқарилмаган.

Асосий воситаларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддасида белгиланган норма асосида 2025 йил давомида 117239,0 минг сўм эскириш (амортизация) хисобланган.

Жамиятнинг бухгалтерия дастури маълумотлари бўйича 2026 йил 1 январь холатига асосий воситалари турлари бўйича қиймати қуйидаги жадвалда келтирилади.

минг сўм

Счёт	Асосий воситалар турлари бўйича	01.01.2026 йилга қолдиқ:
0130	Машина ва ускуналар	95 867,6
0140	Мебел ва офис жихозлари	5 700,0
0150	Компьютер ва хисоблаш техникалари	227 286,3
0160	Транспорт воситалари	495 567,7
	ЖАМИ:	**824 421,6**

минг сўм

Счёт	Асосий воситалар турлари бўйича	01.01.2026 йилга қолдиқ:
0230	Машина ва ускуналар эскириши	82 431,0
0240	Мебел ва офис жихозлари эскириши	3 990,0
0250	Компьютер ва хисоблаш техникалари эскириши	198 263,8
0260	Транспорт воситалари эскириши	115 810,5
	ЖАМИ:	**400 495,3**

2026 йил 1 январь холатига 824421,6 минг сўмлик асосий воситалар мавжуд. Уларнинг эскириши 400495,3 минг сўм бўлиб, қолдик қиймати 423926,3 минг сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича тузилган баланс кўрсаткичларидаги йил боши ҳамда йил охиридаги қолдиқ суммалар билан «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастуридаги қолдиқ суммалар бир бирига мос келмайди.

Тавсия этилади:

Жамият рахбарияти ва бош хисобчисига 2025 йил якунп бўйича қайта хисоб китоб қилиб ДСИга қайта хисобот тақдим этиш тавсия этилади.

Узоқ муддатли инвестицияларни хисобга олувчи счётлар (0600)

Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, мамлакат худудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига килинган узоқ муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва харакати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0610 "Қимматли когозлар";
0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар";
0630 "Карам хўжалик жамиятларига инвестициялар";
0640 "Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар";
0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар".

Активларни инвестициялар таркибига киритиш ва уларнинг турлари Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (12-БХМС) "Молиявий инвестициялар хисоби" билан тартибга солинади.

Жамият «1С Предприятие 8.3» дастури маълумотларига асосан узоқ муддатли инвестициялар ҳаракати қуйидагича бўлган:

минг сўм

Счет	Инвестициялар гуруҳи	Давр бошига қолдиқ:	Йиллик айланма		Давр охирига қолдиқ:
			кирим	чиқим	
0610	**Қимматли қоғозлар ЖАМИ:**	**17 776,3**	**0,0**	**0,0**	**17 776,3**
	"Olmaliq Kon-Metallurgiya Kombinati" Aj	11 329,8	0,0	0,0	11 329,8
	"Qizilqumsement" Aj	1 966,8	0,0	0,0	1 966,8
	TURONBANK ATB	4 479,7	0,0	0,0	4 479,7
0630	**Узоқ муддатли инвестициялар ЖАМИ:**	**507 841,3**	**0,0**	**0,0**	**507 841,3**
	ANDIJON VAQT mas'uliyati cheklangan jamiyati	184 521,1	0,0	0,0	184 521,1
	DEPOZITARIY FARG'ONA VAQT mas'uliyati cheklangan jamiyati	60 934,7	0,0	0,0	60 934,7
	DEPOZITARIY NAMANGAN VAQT mas'uliyati cheklangan jamiyati	0,0	0,0	0,0	0,0
	DEPOZITARIY QASHQADARYO VAQT	30 895,8	0,0	0,0	30 895,8
	DEPOZITARIY SURXONDARYO VAQT mas'uliyati cheklangan jamiyati	83 371,5	0,0	0,0	83 371,5
	JIZZAX VAQT mas'uliyati cheklangan jamiyati	0,0	0,0	0,0	0,0
	NAVOIY VAQT mas'uliyati cheklangan jamiyati	131 790,0	0,0	0,0	131 790,0
	QORAQOLPOG'ISTON VAQT MChJ	16 328,2	0,0	0,0	16 328,2
0690	**Бошқа инвестициялар ЖАМИ:**	**2 919,0**	**0,0**	**0,0**	**2 919,0**
	AJ Kafolat Sug`Urta Kompaniyasi	625,0	0,0	0,0	625,0
	Luft Mudova MCHJ	50,0	0,0	0,0	50,0
	Uzfininvest MCHJ	44,0	0,0	0,0	44,0
	Инвестсервис ООО	2 200,0	0,0	0,0	2 200,0
	УМУМИЙ ЖАМИ:	**528 536,6**	**0,0**	**0,0**	**528 536,6**

Узоқ муддатли инвестициялар бўйича жамият томонидан 2025 йилда дивиденд тарзида ва фоизлар тарзида даромадлар олинмаган. Узоқ муддатли инвестициялар бўйича 01.01.2026 йил ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси маълумотлари билан бухгалтерия ҳисоби «1С Предприятие 8.3» дастури маълумотларидаги қолдиқ суммалар тўғри кўрсатилган.

Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) аудити.

Жамиятнинг асосий воситалар ва номоддий активларга инвестициялари ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш

0810 "Тугалланмаган қурилиш";

0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счетларида амалга оширилади.

Жамият бўйича 2025 йил Бухгалтерия учёти маълумотига кўра капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича харакати қуйидагича бўлган:

минг сўм

Счёт	Счётлар мазмуни	Давр бошига қолдиқ	2025 йиллик айланма		Давр охирига қолдиқ
			кирим	чиқим	
0820	Асосий воситаларни харид қилиш	0,0	274760,0	274760,0	0,0
	ЖАМИ:	**0,0**	**274760,0**	**274760,0**	**0,0**

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счетида 2025 йил бошига ҳамда йил охирига қолдик бўлмаган. Хисобот даврида 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счетида 274760,0 минг сўмлик асосий воситалар харидлари амалга оширилган бўлиб асосий воситалар таркибига киритилган.

Жамиятда моддий бойликлар харакати хамда моддий жавобгар шахслар хисоботлари аудити.

Жамиятга тегишли бўлган хом-ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоб материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш

1010 "Хом-ашё ва материаллар";
1020 "Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар";
1030 "Ёқилғилар";
1040 "Эҳтиёт қисмлар";
1050 "Қурилиш материаллари";
1060 "Идиш ва идишбоб материаллар";
1070 "Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар";
1080 "Инвентар ва хўжалик жиҳозлари";
1090 "Бошқа материаллар" счетларида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра ҳисобот даври бошига ва охирига материалларни ҳисобга олувчи счетларида 2025 йил 1 январь холатига 1000 «Материалларни хисобга олувчи счетлар» да 5980,0 минг сўм қолдиқ бўлган. 2025 йил мобайнида 7917,4 минг сўмлик материаллар кирим қилинган бўлиб жамият иш фаолиятидаги эхтиёжлари учун 7917,4 минг сўм харажат қилинган. 2026 йил 1 январ холатига 5980,0 минг сўмлик материаллар қолдиғи қолган.

минг сўм

Счёт	Товар материаллар турлари бўйича	01.01.2025 йилга қолдиқ:	Дебет	Кредит	01.01.2026 йилга қолдиқ:
1080	Инвентар ва хўжалик жихозлари	5 980,0	0,0	0,0	5 980,0
1090	Бошқа материаллар	0,0	7 917,4	7 917,4	0,0
	ЖАМИ:	**5 980,0**	**7 917,4**	**7 917,4**	**5 980,0**

2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботнинг 1 шакли- «Бухгалтерия баланси» нинг актив томони 150 сатрида хисобот бошига ва охирига товар моддий қийматликлар қолдиқлари тўғри кўрсатилган.

Ишонч қоғозлари билан ишлаш аудити

Корхонада ишонч когозлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сонли буйруги билан тасдикланган “Товар моддий бойликларини олишга ишончномалар бериш ва уларни расмийлаштириш тартиби” тўғрисидаги низом асосида юритилганлиги тахлил этилганда қуйидагилар аниқланди.

Жамиятда 2025 йил учун ишонч коғозларини хисобини юритиш «Soliq servis» сайти орқали амалга оширилган. Хар бир ишонч қоғози кимга жўнатилгани махсулот ва материал келтирилгани ёки бекор қилинганлиги сайт орқали белгилаб борилган. 2025 йил давомида жами 17 дона ишонч қоғози берилиб, 17 дона бўйича келтирилган

махсулот ва материаллар киримга олинганлиги белгиланган, ёпилмай қолган, бекор қилинган ишонч қоғозлари бўлмаган.

Банк орқали накд пулсиз хисоб китоблар аудити

Банк операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги тамонидан 2020 йил 13 апрель куни № 3229-рақам билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб китоблар тўғрисида" ги Низом асосида олиб борилганлигини аудиторлик текширувидан ўтказганимизда қуйидагилар аниқланди.

МФО: 01101 Тошкент ш. "ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ МИРОБОД ФИЛИАЛИ да (МФО:01101) қуйидаги 20208000900500422001 сонли жорий хисоб ва бошқа махсус хисоб рақамлари билан фаолият юритиб келган.

Асосий жорий хисоб рақами бўйича 2025 йил кирим-чиқимлари тахлили қуйидаги жадвалда келтирилади:

минг сўм

Счёт	Хисоб рақамлар номи	Давр охирига қолдиқ:
5100	Асосий хисоб рақами	279 366,2
5200	Валюта хисоб рақами	332 542,7
5500	Махсус хисоб рақами	1 695 807,3
	ЖАМИ:	**2 307 716,3**

Жамиятнинг банкдаги жорий хисоб рақамиларидаги пул маблағларини кирим чиқими тахлили шуни кўрсатадики, 2025 йил бошига 1636860,7 минг сўм, йил охирига эса 2307716,3 минг сўм пул маблағлари қолдиғи бўлган, йил давомида жорий ҳамда махсус хисоб рақамларига жами бўлиб 617559455,7 минг сўм пул маблағлари келиб тушган ва жорий ва махсус хисоб рақамлардан жами 617221115,1 минг сўм харажат қилинган.

Дебитор ва кредитор қарзлар тахлили аудити

Жамиятнинг бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2026 йил 1 январь ҳолатига жамиятнинг жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича карздорлиги қуйидагича бўлган.

минг сўм

Счёт	Мазмуни	01.01.2026 йилга қолдиқ:	
		дебет	кредит
4000	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	559 300,0	
4100	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи	166,2	
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз		225 600,0
6300	Олинган бўнаклар		261 881,2
6400	Бюджетга тўловлар бўйича қарз		108 097,2
6500	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз		55 655,2
6600	Таъсисчиларга бўлган қарзлар		19 377,7
6700	Меҳнатга хақ тўлаш бўйича қарз		94 285,7
6900	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми		163 543,6
		559 466,2	**928 440,6**

01.01.2026 йил ҳолатига "1С Предприятие 8.3" бухгалтерия дастури маълумотларига кўра, дебиторлик қарзлари 559466,2 минг сўмни ташкил этган бўлиб

қуйидаги корхоналар бўйича жами 384254,7 минг сўмини тўлов муддати ўтиб кетган.

минг сўм

Ташкилот номи	Шартнома №	Сумма
"Agrokimyohimoya"H.a.j.	№КУ 81 от 19.06.2012	37 214,3
"Bmkb-Agromash" Aj	№КУ 128 от 21.11.2012	5 404,8
"Dunyo-M" Aj	№КУ 106 от 19.07.2012	28 080,0
"O'zbekinvest Sarmoyalari" Mchj	4 та шартнома бўйича	15 945,6
"Ohangaronsement" Aj	КУ 6 от 02.05.2012	16 330,9
"Ohangaronshifer" AJ	№КУ 20 от 14.05.2012	1 514,9
"Sirdaryo Hududiy Elektr Tarmoqlari Korxonasi" Aj	№КУ 45 от 24.05.2012	14 405,2
"Жиззахагрокимехимоя" Аж	№КУ 157 от 23.05.2014	3 402,8
АК ОАО <OZNEFTGAZISHCHITAMINOT>	№Д/Ю 390 от 20.02.2006	1 726,8
Contemporary Business Systems Mchj	№1/42- КУ от 31.01.2022	1 867,7
	№Д-Ю 148 от 05.03.2021	4 024,4
MCHJ"Charm-invest"	№Д-Ю 13 от 15.10.2015	7 235,7
ООО "CLASSIC INVEST TECHNOLOGY"	№Д-Ю 130 от 04.06.2020	1 078,9
Pod Emnik Ao	№КУ 58 от 29.05.2012	14 563,4
Qamxar MCHJ	№ДЮ-168 от 27.12.2021	22 501,3
Silk Road Insurance Sk Oaj	№КУ 84 от 20.06.2012	5 336,0
Aj Yerostigaz	№КУ 19 от 14.05.2012	1 274,9
Аж"Biznes Centr Samarqand" Кк	№КУ 150 от 03.05.2013	2 746,3
АО "Chinoz Paxta Tozalash "	№КУ 168 от 08.10.2015	217,2
	№КУ 216 от 25.02.2022	5 695,7
АО "Donolik Va Kelajak"	№КУ 174 от 22.01.2016	3 240,3
АО "Mustaqillik Paxta Tozalash"	№КУ 165от 08.10.2015	5 748,1
АО "Naqlgazmaxsusqurilish"	№КУ 16 от 08.05.2012	4 255,0
АО "O'zbekiston Paxta Tozalash"	№КУ 167 от 08.10.2015	8 723,3
АО "O'zbektelekom " М.Улугбекский узел связи	№1141225 от 08.09.2020	10 067,5
АО "O`Zkommunenergosozlash"	№КУ 42 от 24.05.2012	1 203,1
АО "Olimkent Paxta Tozalash"	№КУ 193 от 23.03.2016	2 800,0
АО "Samarqand Marmar"	№КУ 151 от 30.05.2013	13 102,0
ООО "G`Azalkent Oyna"	№КУ 205 от 22.06.2018	28 415,0
РПЭУП"OZYOLMASHSERVIS" г.Ташкент	№Д-Ю 4 от 28.07.2015	6 393,7
ЖАМИ:		**274 514,5**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича хисоб-китоблар корхонанинг "1С Предприятие 8.3" бухгалтерия дастурида тўғри ва аниқ юритилмаган, корхонанинг йил якуни бўйича баланс кўрсаткичлари билан мос келмайди, яъни хар бир хўжалик юритувчи субектлар билан ўзаро солиштирма далолатномалари орқали қолдиқлар тўғрилаб борилмаган, бухгалтерия учётидаги маълумотлар чалкашиб кетган. Даъво муддати 3-5 йилдан ўтиб кетган дебиторлик қарздорликларни 21-сонли БХМСга ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларига мувофиқ хисобда чиқариш чоралари кўрилмаган.

Жамият рахбариятига хар йили йиллик хисоботларни тузишдан олдин барча дебиторлик қарздорликларни инвентаризациядан ўтказиш, тўлиқ ўзаро солиштирма далолатномалар тузиш ва шубхали даргумон (умидсиз) қарздорликларни аниқлаб, ЎзР 21-сонли БХМСга асосан 4910 "Даргумон карзлар бўйича резерв" счётида резерв ташкил этилиши ва шубхали даргумон (умидсиз) қарздорликларни мазкур счёт орқали хисобдан чиқариб борилиши тавсия этилади.

Эслатма:

Даргумон карзлар бўйича резервларнинг холати ва харакати тўгрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4910 "Даргумон карзлар бўйича резерв" счётида амалга оширилади.

Корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар билан хисоб-китоблари бўйича даргумон карзлари суммасига резерв ташкил килинади ва 9430 "Бошка операцион харажатлар" счётига олиб борилади.

Белгиланган муддатда копланмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган корхонанинг дебиторлик карзи даргумон карз сифатида тан олинади.

Даргумон карзлар бўйича резерв хисобот йили охирида корхонанинг дебиторлик карзларининг инвентаризацияси натижалари асосида ташкил этилади.

Резерв хажми хар бир даргумон карз бўйича алохида, карздорнинг молиявий ахволи (тўлов кобилияти) ва карз суммасини тўлик ёки кисман тўлаш эхтимолини бахолаш асосида аникланади.

Агар шубхали карз бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резервнинг маълум бир кисми ишлатилмаса, у холда ишлатилмаган сумма тегишли йилнинг фойдасига кўшилади ва даромад (фойда) солигини хисоблашда солик базасига кўшилмайди.

Илгари корхона томонидан даргумон карз сифатида тан олинган карзларни балансдан чикариш 4910 "Даргумон карзлар бўйича резерв" счётининг дебетида тегишли дебиторлар билан хисоб-китоблар (олинадиган счётлар)ни хисобга олувчи счётлар билан богланган холда акс эттирилади. Ишлатилмаган даргумон карзлар бўйича резерв суммасининг фойдага кўшилиши 4910 "Даргумон карзлар бўйича резерв" счётининг дебетида ва 9390 "Бошка операцион даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

4910 "Даргумон карзлар бўйича резерв" счёти бўйича аналитик хисоб хар бир даргумон карз ва резерв ташкил килинган муддат бўйича юритилади.

Даргумон карзлар бўйича резервни хисобга олувчи счётлар (4900)нинг богланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг богланиши	
		Дебет	Кредит
1	Даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил килинди	9430	4910
2	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон карзлар бўйича резерв хисобига хисобдан чикарилди	4910	4010, 4020
3	Даргумон қарзлар бўйича резервлар суммасининг ишлатилмаган кисмини улар ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг фойдасига кўшилиши	4910	9390

Жамиятда ходимлар мехнатига хақ тўлаш ва мукофотлаш аудити.

Жамиятда барча ходимларга мехнат дафтарчаси, пенсия жамғармаси дафтарчалари очилган. Жамиятда руйхатда турган барча ишловчилар билан мехнат шартномаси тузилган.

Жамиятнинг баланс кўрсаткичлари маълумотларига кўра ходимлардан иш хақи бўйича 2025 йил боши кредиторлик қарздорлиги бўлмаган.

2025 йил давомида жамият ходимларига хисобланган иш хақлари қуйидаги жадвалда келтирилади:

минг сўм

Иш хақи турлари	Сумма
Вақтбай	564 262,4
Иш хақига устама	73 239,5
Овкат пули	93 910,4
Мехнат таътили	96 316,0
Моддий ёрдам	176 660,2
Мукофат пули	624 827,4
Касаллик варақаси	39 973,6
13 ойлик иш хақи	66 273,3
ЖАМИ:	**1 735 462,8**

2025 йил мобайнида жамият тамонидан жами 1735462,8 минг сўм мехнат хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар хисобланган бўлиб, бундан ходимларга пластик карточкага ўтказилган пуллар, даромад солиғи, мақсадли давлат жамғармаларига ва бошқа ушланмалар бўйича жами 1641177,1 минг сўмни ташкил этган. 2025 йил охирига келиб жамиятнинг ходимлардан иш хақи бўйича 94285,7 минг кредиторлик қарздорлиги вужудга келган.

Жамият хусусий капитали аудити.

2025 йил якуни бўйича жамият бухгалтерияси томонидан аудит тахлилига ва солиқ органига тақдим этилган №1 шакл "Корхона баланси" маълумотларига асосан хусусий капитали қуйидагича шаклланган.

минг сўм

Счет	Мазмуни	Ҳисобот йили бошига қолдиқ	Ҳисобот йили охирига қолдиқ
8300	Устав капитали	936 254,50	936 254,50
8400	Қўшилган капитал	903,50	903,50
8500	Захира капитали	591 754,70	591 754,70
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	1 268 021,20	1 537 160,10
8900	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар	19 029,20	19 029,20
	ЖАМИ:	**2 815 963,10**	**3 085 102,00**

Жамият хусусий капитали шаклланиши аудит тахлилидан ўтказилганда, Уставга асосан жамиятнинг устав жамғармаси 936254,5 минг сўмни ташкил этиши кўрсатилган. Жамиятнинг Устав ФОНДИ бухгалтерия учётида 2025 йил боши ва охирига тўғри акс эттирилган. 2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 1-шакли "Бухгалтерия баланси"нинг пассив томони 500 сатрида Устав капитали суммаси ҳисобот даври бошига ва охирига тўғри акс эттирилганлиги маълум бўлди.

Корхона томонидан 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган 1-шакли "Бухгалтерия баланси" ва 2-шакл "Молиявий натижалар" тўғрисидаги хисоботи тезкор (оператив) тайёрланиб, хисобот тақдим этилган. Аудит тахлили жароёнида жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича мазкур хисоботлар кўрсаткичлари корхонада "1С Предприятие 8.3" бухгалтерия дастури маълумотларини тўғрилаш жароёнлари давом этаётганлиги сабабли ўзгариши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) аудити.

Корхона томонидан 2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» қуйидаги жадвалда келтирилади:

минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	ХИСОБОТДА		АУДИТДА		ФАРҚИ +;-
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	4 680 846,3	x	5 055 652,6	x	374 806,3
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x		x		0
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	030	4 680 846,3		5 055 652,6		374 806,3
Давр харажатлари, жами	040	x	4 220 381,7	x	4 695 327,8	474 946,1
Сотиш харажатлари	050	x		x		0
Маъмурий харажатлар	060	x	1 679 061,3	x	2 154 007,4	474 946,1
Бошқа операцион харажатлар	070	x	2 541 320,4	x	2 541 320,4	0

Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x		0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x		x	0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	100	460 464,7		360 324,8		-100 139,8
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	110	272 162,5	x	272 162,5	x	0
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x	0
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	258 748,0	x	258 748,0	x	0
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x	0
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	13 414,5	x	13 414,5	x	0
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x	0
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	170	x	11 979,2	x	11 979,2	0
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180					0
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x		0
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x	11 979,2	x	11 979,2	61 858,8
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x		0
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	220	720 647,9		620 508,1		-100 139,8
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230					0
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	240	720 647,9		620 508,1		-100 139,8
Фойда солиғи	250	x	108 097,2	x	54 048,7	-54 048,5
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x		x		0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	270	612 550,7		566 459,4		-46 091,4

Корхона томонидан 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги хисоботи тезкор (оператив) тайёрланиб, хисобот тақдим этилган. Аудит тахлили жароёнида жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича соф фойдаси 566459,37 минг сўмдан иборат эканлиги аниқланди. Мазкур хисобот кўрсаткичлари корхона “1С Предприятие 8.3” бухгалтерия дастури маълумотлари тўғрилаш жароёнлари давом этаётганлиги сабабли ўзгариши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

Тавсия этилади:

Корхона рахбариятига жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги хисобот бўйича аудитда кўрсатилган фарқларни тўғрилаб ДСИ-га қайта хисобот тақдим этилишини таъминлаш тавсия этилади.

Асосий фаолият даромадлари аудити.

21 сон БХМСга асосан тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва бахолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

Жамиятда ҳисобот йили давомида 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”, счетларида харидорларга сотилган махсулотлардан ҳамда кўрсатилагн хизматларидан олинган соф даромадлари ҳисобга олиб борилган.

Жамиятнинг бухгалтерия “1С Предприятие 8.3” бухгалтерия дастури маълумотларига кўра 2025 йил давомида асосий фаолият бўйича ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар таркиби қуйдагича бўлган.

минг сўм

Счет	Даромадлар турлари	Хисоботда	Аудитда	Фарқи +;-
9030	Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромад	4685744,7	5055652,6	369907,9
	ЖАМИ:	**4685744,7**	**5055652,6**	**369907,9**

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жамиятнинг бухгалтерия "1С Предприятие 8.3" бухгалтерия дастурига олинган даромадлар, яъни электрон хисоб варақ фактуралар операторлари (Солиқ сервис, Дидокс...) орқали жўнатилган счёт фактуралар реестри билан маълумотлари билан тўғри келмайди.

Тавсия этилади:

Корхона рахбариятига жамиятнинг олган даромадлари бўйича, яъни электрон хисоб варақ фактуралар операторлари (Солиқ сервис, Дидокс...) орқали жўнатилган счёт фактуралар реестри билан хар ойда ўзаро солиштириб, 1-С дастурига тўғри киритилишини таъминлаш, 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган 2-шакл "Молиявий натижалар" тўғрисидаги хисобот бўйича аудитда кўрсатилган фарқларни тўғрилаб ДСИ-га қайта хисобот тақдим этилишини таъминлаш тавсия этилади.

Молиявий фаолиятнинг даромадлари аудити.

Ўзбекистон Республикасининг 21-сонли БХМСга асосан Молиявий фаолият даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9510 "Роялти кўринишидаги даромадлар";
9520 "Дивидендлар кўринишидаги даромадлар";
9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар";
9540 "Валюталар курслари фаркидан даромадлар";
9550 "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар";
9560 "Кимматли когозларни кайта бахолашдан даромадлар";
9590 "Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари".

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра 2025 йил давомида молиявий фаолиятнинг даромадлари таркиби қуйидагилардан иборат бўлган:

минг сўм

Даромад турлари	Хисоботда	Аудитда	Фарқи+;-
Фоизлар шаклидаги даромадлар	258748,0	258748,0	0,0
Валюта курси фарқидан даромадлар	13414,5	13414,5	0,0
ЖАМИ:	**272 162,5**	**272 162,5**	**0,0**

Тавсия этилади:

Корхона рахбариятига жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган 2-шакл "Молиявий натижалар" тўғрисидаги хисобот бўйича аудитда кўрсатилган фарқларни тўғрилаб ДСИ-га қайта хисобот тақдим этилишини таъминлаш тавсия этилади.

Давр харажатлари аудити.

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ

солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйдаги счётларда амалга оширилади:

9410 “Сотиш харажатлари”;

9420 “Маъмурий харажатлар”;

9430 “Бошқа операцион харажатлар”;

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг 2 шакли- «Молиявий натижалар тўғрисида» ҳисобот маълумотларига кўра жамиятда 2025 йил давомида давр харажатлари ҳисоби 9420 “Маъмурий харажатлар” ва 9430 “Бошқа операцион харажатлар” счетларида юритилган.

2025 йил бухгалтерия учётида «Молиявий натижалар» тўғрисидаги хисобот бўйича давр харажатлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилади:

минг сўм

Счёт	Харажатлар турлари	Хисоботда	Аудитда	Фарқи+;-
9420	Маъмурий харажатлар	1679061,3	2 154 007,4	474 946,1
9430	Бошқа операцион харажатлар	2541320,4	2541320,4	0,0
	ЖАМИ:	**4220381,7**	**4 695 327,76**	**474 946,1**

Аудит текширувида жамият томонидан 2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» нинг 6 устун 040 сатрида кўрсатилган давр харажатлари нотўғри акс эттирилганлиги аниқланди. Мазкур хисобот кўрсаткичлари корхона “1-С Предприятие 8.3” дастури маълумотлари тўғрилаш жароёнлари давом этаётганлиги сабабли ўзгариши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

Тавсия этилади:

Корхона рахбариятига жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги хисобот бўйича аудитда кўрсатилган фарқларни тўғрилаб ДСИ-га қайта хисобот тақдим этилишини таъминлаш тавсия этилади.

Солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар тўловларини ҳисоблаш таҳлили.

Жамият умумий тартибда солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган бўлиб давлат бюджетига 2025 йил қўйидаги солиқ тўловларини хисоблаб тўлаб келган;

- ✓ Қўшилган қиймат солиғи;
- ✓ Юридик шахслардан олинадиган Фойда солиғи;
- ✓ Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ижтимоий солиқ тўлови;

Қўшилган қиймат солиғи аудити.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш Солиқ Кодексининг X-бўлим 31-боб 237-282-моддаларига асосан солиқ ҳисобланадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан холда ҳисоблаб чиқарилган.

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида

қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган сумма қўшилган қиймат солиғи тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексинг 244-моддаси 9 бандига асосан қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилган.

- ***"қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда уларнинг реестрини юритиш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно"***

Фойда солиғи ҳисоблаш аудити.

Жамият томонидан 2025 йил якуни натижалари бўйича давлат солиқ инспекциясига фойда солиғи хисоб китоби қуйидаги жадвалда келтирилади:

минг сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма		
		Хисоботда	Аудитда	Фарқи (+,-)
Жами даромадлар	010	5055378,5	5055652,6	274,1
Чегириладиган харажатлар	020	4220381,7	4695327,8	474 946,1
Солиқ солинадиган фойда	030	834996,8	360324,8	-474 672,0
Имтиёзлар - жами	040	0,0	0,0	0
Солиқ базаси, бироқ "0" дан кам эмас	060	834996,8	360324,8	-474 672,0
Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда	070	15%	15%	15%
Фойда солиғи суммаси – жами	080	125249,5	54048,7	-71 200,8

Аудит текширувида фойда солиғи ҳисоб-китобини хисоблашда жамиятнинг ДСИ-га тақдим этилган хисоботларига нисбатан 71200,8 минг сўм камайтириш учун фарқ борлиги аниқланди. Мазкур тафовутнинг келиб чиқиши тахлил этилганда, корхона томонидан 2025 йил якуни бўйича фойда солиғи хисоб-китобининг 2.1-иловасида харажатлари таркибининг 0305-сатрида "Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар" 1468772,2 минг сўм кўрсатилганлиги аниқланди. Аудит текширувида "Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар" хақиқатда 1943718,4 минг сўмлиги маълум бўлди. Текшириш натижасида мазкур харажат моддаси 474946,1(1943718,4-1468772,2) минг сўм кам кўрсатилганлиги сабабли умумий харажатлар ортганлиги ва фойда солиғи базаси 474946,1 минг сўмга камайганлиги натижасида фойда солиғидан 71200,8 минг сўм камайтиришга аниқланди.

<u>Тавсия этилади:</u>

Корхона рахбариятига жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган фойда солиғи ҳисоб-китоби бўйича аудитда кўрсатилган фарқларни тўғрилаб ДСИ-га қайта хисобот тақдим этилишини таъминлаш тавсия этилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби.

Ижтимоий солиқни хисоблаш солиқ кодексининг XIV бўлим, 58-боб, 402 моддалари ва Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини хисоблаш VIII

бўлим, 52-боб, 364 моддаси асосида хисобланадиган базадан келиб чиқиб ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан холда хисобланди.

Жамият тамонидан ва аудиторлик текшируви якунига кўра 2025 йил учун Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ хисоб китоби қуйидагича ҳисобланган:

минг сўм

Кўрсаткичлар	Хисботда	Аудитда	Фарқи
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар	1346728,1	1735452,8	388724,7
Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари	34118,7	34118,7	
Солиқ базаси	1312609,4	1701334,1	
Солиқ ставкааси	12%	12%	
Ижтимоий солиқ суммаси	**157513,1**	**204160,1**	**46647,0**
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар	1346728,1	1735452,8	388724,7
Даромад солиғи ҳисобланмайдиган тўлов турлари	34118,7	34118,7	
Солиқ базаси	1312609,4	1701334,1	
Солиқ ставкааси	12%	12%	
Даромад солиғи суммаси	**157513,1**	**204160,1**	**46647,0**

Аудит текширувида Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлов ҳисоб-китобини хисоблашда хисоботга нисбатан жами 93293,9 минг сўм қўшимча тўлаш учун фарқ аниқланди.

Тавсия этилади:

Корхона рахбарияти ва бош хисобчисига жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича ДСИ-га тақдим этилган Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби бўйича аудитда кўрсатилган фарқларни тўғрилаб Давлат солиқ инспекциясига қайта хисобот тақдим этилишини таъминлаш тавсия этилади.

ЯКУНИЙ ҚИСМ

Аудиторлик текшируви якуни бўйича тавсиялар:

- Давлат бюджетига солиқларни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси» ва унга киритилган ўзгаришларга амал қилиш;
- Жамиятда ички назорат тизимини янада кучайтириш;
- Бухгалтерия программасида тайёрланган бухгалтерия регистрлари (бош китоб, счётлар бўйича оборот-сальдо ведомостлари, бухгалтерия ўтказмалари кабилар) хар бир хисобот даври тугаганан сўнг қоғозга печат қилиб тикиб борилишини таъминлаш;
- Шартномалар тузилишида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси” ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши, Шартномаларни бажарилишини назорат қилиш мақсадида шартномаларни рўйхатга олиш дафтарини юритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг №19-сонли “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” деб номланган БХМС га асосан асосий воситаларни камида икки йилда бир марта, товар-моддий қийматликларни камида бир йилда бир марта, кассадаги нақд пул маблағларини хар ойда бир марта инвентаризациядан ўтказилиб борилишини таъминлаш;

Аудиторлик текшируви якуни бўйича хулоса.

Аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича берилган тавсиялар молиявий хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек назорат қилувчи органлар томонидан қуйилиши мумкин бўлган жарималарни олдини олиш, бухгалтерия хисобини юритилиши сифатини яхшилаш ва ички назорат тизимини яхшилаш имкониятини беради.

Аудиторлик текшируви натижасида биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Аудит текшируви давомида айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди, айримларини бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субект «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан тузилган хисоботлари молиявий ахволини тўғри акс эттиради, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «TEZKOR-MALAKA-NATIJA»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДИРЕКТОРИ: **Х.Б.Обидов**

АУДИТОР: **Х.Б.Обидов**